

8. Смирнов В.М. Индекс социального прогресса в системе измерителей социального развития России и её регионов. // Проблемы экономики и юридической практики. 2017. № 6. <https://www.vsemirnyjbank.org/ru/news/feature/2013/05/08/shared-prosperity-goal-for-changing-world>
9. Айвазян С.А., Степанов В.С., Козлова М.И. Измерение синтетических категорий качества жизни населения региона и выявление ключевых направлений совершенствования социально-экономической политики (на примере Самарской области и ее муниципальных образований). // Прикладная эконометрика. 2006. № 2. С. 18-84.
10. Игнатова Т.В. Национальное благосостояние: концепции, модели, методы оценки. – Ростов н/Д: Изд-во СКАГС, 2007.
11. Asheim G. Green National Accounting: Why and How? Department of Economics. University of Oslo. 1999.
12. Barro R.J. Inequality and Growth in a Panel of Countries. Journal of Economic Growth. 2000. Vol. 5. No. 1. Pp. 5-32.
13. Banerjee A.V., Duflo E. Inequality and Growth: What Can the Data Say? Journal of Economic Growth. 2003. Vol. 8. No. 3. Pp. 267-99.
14. Duarte A., Simões M., Andrade J.S. The welfare state and economic performance: quantiles and nonlinearities. Applied Economics Quarterly. 2016. Vol. 62. No. 4. Pp. 267-294.
15. <https://unctad.org/>. United Nations, Treaty Series, vol. 1771, No. 30822. Преобразование нашего мира: Повестка дня в области устойчивого развития на период до 2030 года.
16. Любовникова Д.О. Качество жизни: трансформация понятия, проблемы оценивания. // Информационные войны. 2013. № 2 (26). С. 57-70.
17. Шишмаков В.Т. и др. Оценка и прогнозирование качества жизни населения городов России. // Вестник NGIEHI. 2016. № 1 (56). С. 87-95.
18. Косинский П.Д., Вондарев Н.С. и др. Качество среди обитания и ее влияния на качество жизни населения региона. / Фундаментальные исследования. 2017. № 8-1. С. 180-184.



### **ИНКЛЮЗИВ ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШ АСОСИДА КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ ВА АҲОЛИ БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ**

**doi:** [https://doi.org/10.55439/ECED/vol24\\_iss5/a27](https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss5/a27)

**Рахмонов Дилшоджон Алиджонович -**  
Tashkent International University Иқтисодиёт ва таълим факультети декани и.ф.д., профессор,  
**Жавлиев Нуриддин Бектемир ўғли -**  
Тошкент давлат иқтисодиёт университети ассистенти

**Аннотация.** Мақолада Инклюзив иқтисодий ривожланиши асосида камбағалликни қисқарттириш ва аҳоли бандлигини таъминлаш, шунингдек, демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш асосида инновацион иқтисодиётни шакллантириш билан бирга аҳоли турмуш даражаси ва фаровонлигини ошириш, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришининг замонавий инфратузилмаларини шакллантириш илмий жиҳатдан ўрганилган. Тақдикотлар асосида илмий ҳулоса ва илмий тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Калим сўзлар:** инклюзив иқтисодиёт, иқтисодий тараққиёт, иқтисодий ўсиш, ижтимоий соҳа, инсон капитали, инсон тараққиёти индекси, камбағаллик, камбағаллик мезонлари, методологик ёндашув, аҳоли турмуш даражаси, ижтимоий ҳимоя, яшаш минимуми, истеъмол саватчаси, турмуш фаровонлиги.

### **СОКРАЩЕНИЕ БЕДНОСТИ И ОБЕСПЕЧЕНИЕ ЗАНЯТОСТИ НАСЕЛЕНИЯ НА ОСНОВЕ ИНКЛЮЗИВНОГО ЭКОНОМИЧЕСКОГО РАЗВИТИЯ**

**Рахмонов Дилшоджон Алиджонович -**  
Декан факультета Экономики и образования  
Tashkent International University д.э.н., профессор,  
**Жавлиев Нуриддин Бектемир угли -**  
Ассистент Ташкенский государственный  
экономический университет

**Аннотация:** Сокращение бедности и обеспечение занятости населения на основе инклюзивного экономического развития. Также научно изучено формирование инновационной экономики на основе духовно-нравственного и культурного развития демократического и правового общества, а также повышение уровня жизни и благосостояния населения, формирование современной инфраструктуры социально-экономического развития страны. На основе исследований разработаны научные заключения и научные рекомендации.

**Ключевые слова:** инклюзивная экономика, экономическое развитие, экономический рост, социальная сфера, человеческий капитал, индекс человеческого развития, критерии бедности, скромность, методологический подход, уровень жизни населения,

## REDUCTION OF POVERTY AND EMPLOYMENT OF THE POPULATION ON THE BASIS OF INCLUSIVE ECONOMIC DEVELOPMENT

**Rakhmanov Dilshodjon Alidjonovich -**  
*Dean of the Faculty of Economics and Education  
of Tashkent International University, prof.*  
**Javliev Nuriddin Bektemir ugli -**  
*Assistant teacher of Tashkent state university  
of economics*

**Annotation:** Reducing poverty and ensuring employment based on inclusive economic development. The formation of an innovative economy based on the spiritual, moral and cultural development of a democratic and legal society, as well as an increase in the standard of living and well-being of the population, the formation of a modern infrastructure for the socio-economic development of the country, has also been scientifically studied. Based on research, scientific conclusions, and scientific recommendations have been developed.

**Keywords:** inclusive economy, economic growth, social sphere, human capital, human development index, poverty criteria, poverty, methodological approach, standard of living of the population, social protection, living wage, consumption

**Кириш.** Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 2015 йилдаги 70-Ассамблеясида 2030 йилгача “Барқарор ривожланиш мақсадлари” қабул қилинди. Ушбу мақсадларнинг биринчиси “Камбағалликни йўқотиш (No Poverty)” деб номланган бўлиб, дунё мамлакатларини ушбу омилга қарши оммавий курашга чақирган. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев томонидан 2020 йил 24 январда илк маротаба Ўзбекистонда “камбағалликни қисқартириш” категориясига нисбатан ёндашувнинг баён қилиниши мамлакатимизда мазкур категориянинг долзарблик касб этишини ифодалаб бермоқда.

Давлатимиз сиёсатида инсон манфаатлари, ижтимоий адолат тамойиллари устувор. Шу боисдан ҳам аҳолининг муайян қатлами ўртасида камбағаллик борлиги тан олиниб, уни қисқартириш бўйича алоҳида тизим жорий қилинган бўлиб, барча туманлар шароитига кўра 5 та тоифага ажратилиб, табақалашган енгилликлар бериш амалиёти йўлга кўйилмоқда.

Бизнингча, инклузив иқтисодий ривожланиш шароитида камбағалликни қисқартириша қўйидаги жиҳатларни эътибор олиб, тадқиқотларни амалга ошириш долзарблик касб этади:

инклузив иқтисодиётда инсонлар малакасига мос равища даромадга эга бўлиши иқтисодий қийматни тақсимлашнинг оптимал йўли эканлигини асослаш;

камбағаллик категориясини илмий-назарий жиҳатдан асослаш ва уни аниқлашнинг мезон кўрсаткичларини ишлаб чиқиш;

аҳоли турмуш даражасини белгилаб берувчи омилларни тизимлаштириш орқали худудлар кесимида ягона фаровонликни таъминлаш йўлларини ишлаб чиқиш. Шунингдек, экологик, иқтисодий ва ижтимоий омилларга алоҳида эътибор қаратиш;

аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш, тадбиркорлик фаолиятига қизиқтириш, стартап лойиҳаларни яратиш, тежамкорлик ва

иқтисодий фаоллик камбағалликни қисқартиришнинг фундаментал асоси эканлигини асослаш;

яшаш минимуми ва истеъмол саватчасини шакллантиришда инсонлар даромади билан бирга, уларнинг бирламчи истеъмолига мезон сифатида эътибор берилиши заруратини асослаш;

Ўзбекистонда инсон капиталини ривожлантариш ва уни молиялаштиришга қаратилган илмий таклиф ва тавсияларни шакллантириш;

Ўзбекистонда ижтимоий ҳимояни амалга оширишда “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизими (портали) учун иқтисодий кўрсаткичлар тизимини шакллантириш ва ҳаётга татбиқ этиш устуворликларини белгилаш.

Биз мазкур тадқиқотимиз давомида камбағалликни қисқартириш ва аҳоли бандлигини таъминлашни таҳдил қилишга ва хуносалар шакллантиришга ҳаракат қиласиз. Ушбу мақсадга эришиш учун қўйидаги тадқиқот саволларига жавоб топиш муҳим ҳисобланади, деб ўйлаймиз.

Камбағалликни ўлчашнинг қандай иқтисодий мезонлари мавжуд?

Инклузив иқтисодий ривожланиш босқичида камбағаллик қандай муаммоларни келтириб чиқармоқда?

Ўзбекистонда камбағалликни бартараф этишда қандай чоралар қўллаш мақсадга мувофиқ?

Камбағаллик категориясига нисбатан Ўзбекистонда давлатимиз раҳбари томонидан 2020 йил 24 январдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисга Мурожаатномасида: “Худудларда, айниқса, қишлоқларда аҳолининг аксарият қисми етарли даромад манбаига эга эмаслиги сир эмас. Ҳар қандай мамлакатда бўлгани каби бизда ҳам кам таъминланган аҳоли қатламлари мавжуд. Турли ҳисоб-китобларга кўра, улар тахминан 12-15 фоизни ташкил этади. Бу ўринда

гап кичкина рақамлар эмас, балки аҳолимизнинг 4-5 миллионлик вакиллари ҳақида бормоқда.

Баъзи одамлар ижтимоий нафақа ва моддий ёрдам пулини тўлаш ёки уларнинг миқдорини ошириш орқали ушбу муаммони ҳал этиш мумкин, деб ўйлади. Бу – бир томонлама ёндашув бўлиб, муаммони тўла ечиш имконини бермайди.

Камбағалликни камайтириш – бу аҳолида тадбиркорлик руҳини уйғотиш, инсоннинг ички куч-қуввати ва салоҳиятини тўлиқ рўёбга чиқариш, янги иш ўринлари яратиш бўйича комплекс иқтисодий ва ижтимоий сиёсатни амалга ошириш, демакдир”, – деб таъкидлаб ўтилди.

**Мавзуга оид адабиётлар таҳлили.** Умум олганда, камбағалликнинг мезонлари иккита ёндашув орқали амалга оширилган. Биринчи, олимлар томонидан асосланган назарий жиҳатлар, иккинчиси халқаро молия институтлари томонидан даромадларни табақалаштириш орқали аниқликлар киритилган.

Рус олимларидан И.Сидорчук қуйидаги мезонлардан фойдаланган ҳолда камбағалликни аниқлашни таклиф этади [18]: яшаш жойининг бўлиши, тўлақонли овқатланиш ва ичимлик сувига эгалик, минимал таълим олиш имконияти ва соғлиқни сақлаш имконияти. И.Сазанов камбағаллик абсолют ва нисбий даражаларга бўлинади, деб ҳисоблайди [17]. Шунингдек, у камбағаллик категорияси дастлаб XIX асрнинг охирлари XX асрнинг бошланишида инглиз социологлари С.Роунтри ва Ч.Бута томонидан фанга олиб қирилганлигига эътибор қаратади. Ушбу олимлар яшаш минимуми – камбағаллик/даромад чегарасини фанга олиб киришади. Экспертлар ушбу ҳолатда озиқ-овқат, кийимлар ва яшаш шароити бўлишини мезонлар сифатида таъкидлашади. Ушбу мезонларга жавоб бера олмаслик эса абсолют камбағалликни англатишини қайд этиб ўтади.

Г.Кошарная ва Л.Каримова ўзларининг мақолаларида ушбу категорияга қуйидагича ёндашувни баён қилишади [15]. Унга кўра, аҳолининг ҳаёт фаровонлигига эришиши ва уни турли категориялар орқали аниқлашни таклиф этади: 1) фаровонлик – жисмоний ва интеллектуал имкониятлардан тўлиқ фойдаланиш орқали инсоннинг ҳар томонлама ривожланиши; 2) камбағаллик – истеъмол миқдорининг сақлаб қолиниши ва меҳнатга лаёқатли бўлиш; 3) қашшоқлик – истеъмолнинг минимал даражаси бўлиб, инсоннинг биологик имкониятларигина таъминланишини анлатади.

Хорижий олимлардан покистонлик М.Мажид ва М.Малик томонидан амалга оширилган тадқиқотда камбағалликни келтириб чиқарувчи омиллар сирасига саводхонлик даражасини ҳам киритади [9]. Бунда оила хўжалигининг

камбағалликка тушиб қолишига оила бошлиғининг тажрибаси, ёши, жинси ва бандлиги каби омиллар таъсир қилишини келтириб ўтади. Шунингдек, “оила бошлиғи сифатида аёл киши бўлиши камбағалликни келтириб чиқаришга кўпроқ таъсир қиласи” деган ғояни илгари суради. Сабаби аёлларнинг таълим олишга ва даромад топишдаги имкониятлари юқори эмаслиги билан изоҳланади. Тадқиқотлар асосида, биринчидан, таълим олганлик даражаси билан камбағаллик тескари пропорционал эканлиги; иккинчидан, қишлоқ жойларда пул ўтказмаларига эга бўлганлар камбағалликка камроқ тушишаётганлиги; учинчидан, шаҳарлашиб бориш камбағалликни пасайтиришини ва қишлоқ худуди эса ошишига олиб келишини қайд этиб ўтади. Ўз навбатида, тажриба, ёш ва қишлоқ хўжалигига банд бўлиш камбағалликни келтириб чиқармаслигини асослаб беради.

Ўзбекистонлик олимлардан проф. Р.Хасанов ва PhD Б.Усмонов ўзларининг тадқиқот хulosаларида: “Ўзбекистонда камбағалликка қарши кураш ҳақида гапирганда, турли миintaқалarda, шаҳар ёки қишлоқларда яшайдиган турли ёшдаги одамлар, эркаклар ва аёллар учун камбағалликнинг сабаблари жуда фарқ қилишини ҳисобга олишимиз керак. Шу нуқтаи назардан қашшоқликка қарши кураш жуда мураккаб ва кўп қиррали вазифадир. Шу муносабат билан муҳтоҷ одамларга тўғридан-тўғри молиявий ёки натура тарзида ёрдам кўрсатиш орқали қашшоқлик муаммосини ҳал қилишда жиддий ижобий натижага эришиш мумкин эмаслиги аён бўлади. Албатта, аҳолининг кам таъминланган қатламларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш зарур, аммо камбағалликнинг турли хил сабабларини ҳисобга олган ҳолда, унга қарши курашда ҳар қандай муҳим ютуқларга одамлар ўзларининг моддий муаммоларини мустақил ҳал эта оладиган ва ўзларини зарур даромадлари билан таъминлайдиган шароитлар яратилгандагина эришиш мумкин [21]”, – деб таъкидлаб ўтишади.

И.Ф.д. Ш.Мустафақулов ўзининг мақоласида камбағалликка нисбатан ёндашувни баён этиб, Ўзбекистонда уни бартараф этиш учун “Камбағаллик ҳолатида ёки чегарасида яшаётган аҳоли қатламини қашшоқликдан чиқариш учун ажратилаётган имтиёзли кредитлар ва аҳоли томорқаларидан мақсадли фойдаланишда микрокластер тузилмаларини яратиш мақсадга мувофиқдир” [16] деб таъкидлаб ўтади.


**Тадқиқот методологияси.** Инклузив иқтисодий ривожланиш асосида камбағалликни қисқартириш ва аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича мавжуд бўлган илмий тадқиқотларни ўрганиш, соҳада ечимини кутаётган муаммоларни таҳлил қилиш, таълим тизимини ривожлантириш йўлларини таҳлил қилиш, мантиқий фикр-

лаш, илмий абстракциялаш, маълумотни гурухлаш, анализ ва синтез, индукция ва дедукция усулларидан кенг фойдаланилган.

**Таҳлил ва натижалар мұхқомаси.** Хал-қаро ташкилотларнинг камбағаллик кате-риясига ёндашуви ва мезонлари. Жаҳон банки томонидан 2013 йилда эълон қилинган камбағалликка қарши кураш лойиҳасининг мақсади, биринчидан, 2030 йилга бориб камбағаллик

қатламининг дунё аҳолисининг З фоиздан кам бўлишига эришиш, иккинчидан, ҳар бир мамлакат аҳолисининг жуда камбағал қатлами даромадларини оширишдан иборат.

Ууман олганда, 2030 йилга бориб жаңондаги камбағаллик омили билан яшайдыганлар-нинг 90 фоизи Африка мамлакатларига түғри келишини таъкидлаш лозим (1-расмга қаранг).



**1-расм. 2030 йилда жуда камбағалликнинг шаклланиш миқёси, улушларда**

**Манба:** Жаҳон банки маълумотлари.

2015 йилда БМТнинг 70-Ассамблеясида 2030 йилгача “Барқарор ривожланиш”нинг 17 та мақсади қабул қилинди. Ушбу мақсадларнинг биринчиси “Камбағалликни йўқотиш (No Poverty)” деб номланган бўлиб, дунё мамлакатларини ушбу омилга қарши оммавий курашга чақирган. Ушбу мақсадлардан келиб чиқсан ҳолда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 20 октябрдаги “2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 841-сонли қарори қабул қилинди.


Мазкур қарор иловасининг 1-бандида “1-мақсад. Барча жойларда аҳолининг кам таъминланганлик даражасини пасайтириш” деб номланган. Ушбу банднинг вазифалари сифатида белгиланган 7-йўналишда асосий эътибор ижтимоий ҳимояга қаратилган ва гендер тенглигини таъминлаш ҳамда микрокредитлаш амалиётларидан фойдаланиш кўзда тутилган.

Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти (OECD) томонидан камбағаллик даражасига нисбатан мезонлар тавсия этилган. Жумладан, камбағаллик даражаси маълум ёшдағи аҳоли гурухы даромадлари уй хўжаликлари ўртача даромадининг ярмидан кам бўлган чегарадан паст бўлиши билан изоҳланади. Шунингдек, ҳамкорлик ташкилоти тартифидан сарнадишини кечирсанда, мезонлар тавсия этилган даражасига нисбатан мезонлар тавсия этилган.

дек, камбағаллик оралиғи категориясини ҳам киритишади ва камбағал қатламнинг ўртача даромади камбағаллик даражаси мезонидан пастга тушиб кетади. Ушбу категория камбағалликнинг миқёсини аниқлашга ёрдам беради. Ушбу күр-саткич ёш доирасида аниқланиши амалга оширилади. Яъни 18-65 ва 65 ёшдан катталар [3].

Шу билан биргага, мазкур ташкилот (OECD) даромадлар тенгизсизлигини баҳолашда Жини коэффициенти, децил нисбати кабилардан фойдаланишни тавсия этиб ўтади.

Камбағаллик мамлакатдаги ўртача даромадда нисбатан аниқланғанда, Европа Иттифоқи мамлакатларида 18-65 ёш орасидаги даромадларнинг тақсимланиши жами тақсимланиш билан бир даражада шаклланғанлигини кўриш мумкин. Дания, Венгрия, Нидерландия, Франция каби мамлакатларда эса 65 ёшдан катта бўлганларда камбағаллик миқёси янада қисқараётганлигини кўриш мумкин. Австрия, Бельгия, Германия ва Португалия каби мамлакатларда эса ёш гуруҳида ва жами доирасидаги фарқнинг умуман йўқлигини қузатиш мумкин (2-расмга қаранг). Фикримизча, ушбу мамлакатларда даромадларнинг teng тақсимоти, биринчи навбатда, инсон капитали юқори эканлиги, иккинчидан яширин иқтисодиёт улушининг камлигидир.



**2-расм. Европа Иттифоқи давлатларида камбағаллик даражаси [4]**

Масалан, АҚШда 2018 йил учун камбағаллик чегараси оиласда бир кишига 12784 доллар, икки кишига 16247 доллар бўлса, 9 кишилиқда 51393 (ўртача 5710) долларни ташкил этган. Демографик нуқтаи назардан камбағаллик қуидагича кўринишга эга: эркакларда 10,6 фоиз, аёлларда 12,9 фоиз, ёш оиласларнинг 4,7 фоизи, оиласда ота-оналарнинг фақат бирининг бўлиши, агар у эркак бўлса 12,7, аёл киши бўлса 24,9 фоизни ташкил этган. Ногиронлиги бўлгандарнинг 25,7 фоизи камбағалликда кун кечирмоқда [7]. Камбағалликнинг асосий нуқталари саноат чиқиб кетган ёки умуман, бошланмаган худудлар ҳиссасига тўғри келишини таъкидлаш лозим [6].

Фикримизча, камбағалликка қарши курashda уларни тизимлаштирилган ҳолда амалга оширишни демографик нуқтаи назардан гурухларга ажратган ҳолда таҳлил этилиши муҳим ҳисобланади. Бу эса камбағаллик статистикасини янада аниқлаштиришни тақозо этади.

Сўнгги 20 йил ичida Ўзбекистонда камбағалликнинг қисқариши нисбатан секин кечган бўлса-да, бироқ барқарор ҳолда бўлди. Шуни таъкидлаш лозимки, аввал “камбағаллик” атамаси давлат томонидан ҳеч қачон қўлланилмаган. Яна бир ҳолат Ўзбекистонда камбағалликни қисқартириш жараёнлари даромад даражасининг ўзгариши ва ўсиш суръатлари ўртасида тафовут мавжудлиги туфайли ҳам жуда секин кечди. Камбағалликни қиқсқартиришда камбағалликнинг эластиклик коэффициентини аниқлаш муҳим аҳамиятга эга. Камбағалликнинг эластиклик коэффициенти мамлакатдаги ялпи ички ёки худудий маҳсулот 1 фоизга ўзгарганда, мамлакат аҳолисининг камбағаллик даражаси неча фоизга ўзгаришини кўрсатувчи ўлчов ҳисобланади.

Ўзбекистонда инклузив ўсишни таъминлаш қишлоқда яшовчи аҳоли ва фермер хўжаликлари даромадларини ошириш мақсадида қишлоқ хўжалигини эркинлаштириш, амалга оширилаётган ислоҳотларга мос равишда ижтимоий ҳимояни таъминлаш, аёллар ҳамда жисмоний имконияти чекланганларнинг манфаатларини ҳисобга олиш сиёсатини қўллаш ҳисобига бўлиши мақсадга мувофиқ.

1. Ижтимоий соҳанинг нобақарорлашувига олиб келган жиҳатлар:

- соғлиқни сақлаш тизимида давлат харажатларининг етарли эмаслиги, айниқса, бирламчи тиббий хизматлар тақдим этишда;
- мактаббагча таълим билан қамраб олиш миқёсининг пастлиги;
- мактаб таълимида мактаб биноларининг “резина” каби фойдаланилиши базавий таълимнинг натижавийлигини тушириб юборди;
- олий таълимнинг қамрови 10 фоизга етмаслиги катта улушга эга бўлган ёшларнинг инсон капитали даражасини пасайтириди;
- илмий тадқиқотларга ажратилган маблағлар ЯИМга нисбатан 0,25 фоиз атрофида бўлиши.

2. Мехнатга ҳақ тўлаш касбга эмас, балки лавозимга бириттирилиши, юқори билим талаб қилувчи касблар жозибардорлигини йўқотди. Масалан, шифокор ва сержант унвонидаги ҳарбий хизматчининг иш ҳақидаги сезиларли тафовут.

3. Электр таъминотидаги узилишларнинг давомийлиги қуидаги нобарқарорликни келтириб чиқарди:

– таълимнинг уйда бажариладиган вазифалар қисми ўзлаштирилмаслигига таъсир кўрсатди;

– бизнес юритишга жиддий таъсир кўрсатди. Масалан, Жаҳон банкининг ҳисоботида бизнес субъекти кичиклашиб боргани сари электр таъминотидан узилиши кучайиб бориши қайд этилган [8].

4. Иқтисодиётнинг норасмий қисми кучайиши аҳоли даромадлари ҳисоби ва статистикасини юритишга салбий таъсир кўрсатди.

**Хуоса ва таклифлар.** Тадқиқотлар асосида қўйидагиларга эътибор бериш мақсадга мувофиқ, деб ўйлаймиз:

Аҳолининг камбағаллик даражасини аниқлаштириш учун демографик жиҳатдан гурухларга ажратиш нуқтаи назаридан аниқ статистикани шакллантириш ва шунга мос тадқиқотларни амалга ошириш. Бунда камбағалликни аниқлаш ва баҳолашда оила аъзолари сони, саводхонлиги, соғлиғи, ёши, жинси, танлаган касби кабиларни инобатга олишга имкон яратиш.

1. Қисқа муддатли даврда эътибор берилиши лозим бўлган чора-тадбирлар:

– иқтисодиётдаги ихтисослашув назариясининг (Д.Рикардо) инсонларнинг қобилиятига уйғунлашувини жорий этиш. Бунинг учун одамларнинг қандай меҳнатни амалга оширишларига имконият ва хоҳишлари юқори бўлишини инобатга олиш орқали қиймат яратиш (ЯИМ)ни ўйлга қўйиш. Масалан, пичоқ ясайдиган (хунармад ота-бобосидан ўрганган ва шу ишни севиб қиласидиган) инсонга меҳнат қилиши учун барча шароитларни яратиш механизмини жорий этиш. Агар биз ундан бошқа турдаги меҳнат қилишни талаб этсак ёки у шунга мажбур бўлса, иқтисодий ўсиш ва камбағаллиқдан чиқиши тенденцияси юзага келмаслиги мумкин;

– аҳолининг истеъмолини арzonлаштириш, яъни давлат ва “айрим” тадбиркорларнинг монополиясини фавқулодда тугатиш. Бунинг учун иқтисодиётда рақобат муҳитини яратиш лозим бўлади. Ушбу жараёнда икки жиҳатга эътибор қаратиш лозим бўлади: биринчидан, миллий (давлат ёки хусусий) ишлаб чиқарувчиларнинг монополияси шаклланишини камайтириш. Иккинчидан, турли иқтисодий иттифоқлар, жумладан, Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлишини жадаллаштириш;

– электр таъминотининг узлуксизлигини амалга ошириш, муқобил энергиядан фойдаланишни жадаллаштириш. Бунинг учун муқобил (куёш, шамол кабилар) энергия манбаларини ривожлантиришга эътибор қаратиш. Шунингдек, ушбу турдаги энергия истеъмолига ўтишда давлат субсидияларини жорий этишни ривожлантириш;

– харажатларни қисқартириш, яъни кўп даромадга эга бўлмаган шароитда жамиятда тежамкорлик тамойилини жорий этиш. Масалан, турли миллий қадриятларга асосланган маросимларга харажатларни камайтириш;

– норасмий иқтисодиётни қисқартириш.

2. Узоқ муддатли даврга мўлжалланган дастурларни амалга ошириш доирасида:

– профилактика тиббий хизматларни молиялаштириш ҳажмини ва самарадорлигини ошириш. Асосан, ёш болаларнинг эмлаш ишларига эътибор бериш ва актив умр фаолиятини ривожлантириш орқали пассив умр кўришни қисқартиришга шароит яратиш;

– мактаб таълимида ўқувчиларнинг қизиқишилари инобатга олиниб, гурухларга ажратган ҳолда таълим бериш. Бунда ўқиш ва ёзиш, математика ва табиий фанлар кесимида гурухларни ташкил этишни ўқувчиларнинг қандай касбга (лавозимга эмас) қизиқишилари доирасида синфларга ажратишни жорий этиш;

– олий таълимининг қамровини ошириш.

Бунда бир турдаги мутахассисликни тайёрлаш бир нечта олий таълим муассасаларида амалга оширилиши орқали рақобат муҳитини яратиш. Олий таълимда шартнома тўловларини дарсга қатнашиш учун эмас, балки фан бўйича якуний имтиҳонларда қатнашиш ҳуқуқини белгилаш тамойили асосида олий таълим муассасаларида мустақил жорий этишга имкон бериш. Шунингдек, қабул квоталарини муассаса сифимкорлиги асосида мустақил белгилашни жорий этиш;

– “кичик бизнесдан – йирик бизнесга” ғоясини иқтисодиётда жорий этиш. Бунда бир ишчи ўрин учун харажатлар ҳажми йирик бизнесда кичик бизнесга нисбатан кам эканлигини инобатга олиш. Шу билан бирга, йирик бизнес мамлакат экспорт салоҳиятини оширишдаги асосий омиллардан бири ҳисобланади;

– юқори илмий сифимкор маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ривожлантириш. Бунда тадқиқотлар натижаларини ишлаб чиқариш жараёнiga жорий этиш учун венчур фондлари фаолиятини шакллантириш. Хусусий секторнинг тадқиқотларни молиялаштиришга қаратилган фаолиятини амалга оширишга шарт-шароит яратиш;

– меҳнат мигрантларини эмас, балки меҳнат маҳсулини экспорт қилиш тамойилини амалга ошириш. Бунда инсон салоҳияти (аклийлими – яратувчанликнинг асоси) туганмас ресурслари эканлиги ва аксинча, инсон меҳнат қилишининг жисмоний имконияти ўртача 30-35 йил эканлиги инобатга олиниши зарур. Шу нуқтаи назардан, инсон капиталига инвестициялар узоқ муддатли даврда барқарор натижаларни бериши муқаррарлигига ишониш.

### Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Milton Friedman. *A Theory of the Consumption Function*. Princeton, N.J. Princeton University Press, 1957.
2. Mincer, J. (1958) *Investment in Human Capital and Personal Income Distribution*. *The Journal of Political Economy* 281-302. [https://www.jstor.org/stable/1827422?read-now=1&refreqid=excelsior%3Ad2f165a96877f753b910571c7cf28284&seq=1#page\\_scan\\_tab\\_contents](https://www.jstor.org/stable/1827422?read-now=1&refreqid=excelsior%3Ad2f165a96877f753b910571c7cf28284&seq=1#page_scan_tab_contents)
3. OECD (2020). *Poverty gap (indicator)*. DOI: 10.1787/349eb41b-en (Accessed on 23 April 2020)
4. OECD (2020). *Poverty rate (indicator)*. DOI: 10.1787/0fe1315d-en (Accessed on 23 April 2020)
5. Peng C, Fang L, Wang J.S. et al. *Determinants of Poverty and Their Variation Across the Poverty Spectrum: Evidence from Hong Kong, a High-Income Society with a High Poverty Level*. *Soc Indic Res* 144, 219-250 (2019). <https://doi.org/10.1007/s11205-018-2038-5>
6. *Poverty in the United States* <https://www.debt.org/faqs/americans-in-debt/poverty-united-states/>
7. *The Population of Poverty USA*. <https://www.povertyusa.org/facts>
8. World Bank. 2020. *Global Economic Prospects, January 2020: Slow Growth, Policy Challenges*. Washington, DC: World Bank. P. 89.
9. Majeed M.T., Malik M.N. *Determinants of Household Poverty: Empirical Evidence from Pakistan*. *he Pakistan Development Review* 54:4, Part II (Winter 2015), pp. 701-718.
10. Peykarjou K, Gollu R.B., Gashti H.P., Shahrivar R.B. *Studying the relationship between health and economic growth in OIC member states*. // *Interdisciplinary Journal of Contemporary Research in Business*. December 2011, Vol 3(8). Pp. 1041-1054.
11. *Research to help the world's poor*. [https://www.nobelprize.org/uploads/2019/10/popular\\_economicsciencesprize2019-2.pdf](https://www.nobelprize.org/uploads/2019/10/popular_economicsciencesprize2019-2.pdf)
12. Rindermann H, Sailer M, Thompson J. *The impact of smart fractions, cognitive ability of politicians and average competence of peoples on social development*. // *Talent Development & Excellence*, 2009. № 1(1). Pp. 3-25.
13. Stachle H. *Ability, Wages and Income*. *Review of Economics and Statistics*, XXV, February 1943, pp. 77-87.
14. Ироқ ва Суриядан қайтарилган аёллар бўйича ўрганиш натижалари маълум қилинди. <https://kun.uz/news/2020/03/03/iroq-va-suriyadan-qaytarilgan-ayollar-boyicha-organish-natijalari-malum-qilindi>
15. Кошарная Г.Б., Каримова Л.Ф. Основные подходы к измерению уровня бедности в современной России. // <https://cyberleninka.ru/article/n/osnovnye-podhody-k-izmereniyu-urovnya-bednosti-v-sovremennoy-rossii/viewer>
16. Мустафақулов Ш. Камбағаллик айб эмас, бироқ ... Халқ сўзи. 25.03.2020 й. <http://xs.uz/uzkr/post/kambagallik-ajb-emas-biroq>
17. Сазанов И.С. Бедность: Национальные и международные критерии. // Челябинский гуманитарий. 2012, № 3(20). С.80-84.
18. Сидорчук И.Б. Критерии бедности и показатели ее определения. <https://cyberleninka.ru/article/n/kriterii-bednosti-i-pokazateli-ee-opredeleniya/viewer>
19. Тарихда илк марта "ёпиқ мавзу" бўлган қамбағалликни қисқартириш учун кураш бошланди. <https://review.uz/uz/post/tarixda-ilk-marta-yoriq-mavzu-bolgan-qambagallikni-qisqartirish-uchun-kurash-boshlandi>
20. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари. [http://web.stat.uz/open\\_data/uz/9.2%20OD\\_income\\_by\\_deciles\\_uzb.pdf](http://web.stat.uz/open_data/uz/9.2%20OD_income_by_deciles_uzb.pdf)
21. Хасанов Р., Усмонов Б. Ўзбекистонда камбағаллик ва уни қисқартириш йўллари. 06.03.2020 й. <https://review.uz/oz/post/ozbekistonda-kambagallik-va-uni-qisqartirish-yollar>
22. Асатулаев Х., Хаджаев Х. Ўзбекистонда инклузив ўсии ва камбағалликни қисқартириш. *Scientific Journal of "International Finance & Accounting"*. Issue 6, December 2022. ISSN: 2181-1016.



### ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШНИНГ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ АҲАМИЯТИ

Худойбердиев Жамшид Журабой ўғли -  
Самбаҳрам университети  
Жиззах филиали ўқитувчиси

doi: [https://doi.org/10.55439/ECED/vol24\\_iss5/a28](https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss5/a28)

**Аннотация.** Мазкур мақолада камбағаллик тушунчасининг шаклланиши, унинг ижтимоий-иқтисодий оқибатлари, камбағаллик даражасини ўлчаш мезонлари, уни қисқартириш юзасидан амалий тақлиф ишлаб чиқилган. Камбағаллик даражаси мамлакатнинг ишлаб чиқариши имкониятларида ва аҳолининг турмуш тарзида ифодаланиб, ижтимоий масала сифатида деярли барча иқтисодий тизимларда намоён бўлиши назарий жиҳатдан ўрганилган.

**Калим сўзлар:** камбағаллик, камбағалликнинг келиб чиқиши сабаблари, камбағаллик даражасини ўлчаш, инсон камолоти индекси, турмуш тарзи, камбағалликни аниқлаш концепциялари, аҳоли фаровонлиги.

### СОЦИАЛЬНО-ЭКОНОМИЧЕСКОЕ ЗНАЧЕНИЕ СОКРАЩЕНИЯ БЕДНОСТИ В РАЗВИТИИ ЭКОНОМИКИ

Худойбердиев Джамшид Джусурабой ўғли -  
Преподаватель Джиззакского филиала  
Самбаҳрамского университета

**Аннотация.** В данной статье разработаны формирование понятия бедности, ее социально-экономические последствия, критерии измерения уровня бедности, а также практическое предложение по ее снижению. Теоретически изучено, что уровень бедности выражается в производственных возможностях страны и образе жизни населения и проявляется как социальная проблема практически во всех экономических системах.

**Ключевые слова:** бедность, причины бедности, измерение бедности, индекс человеческого развития, образ жизни, концепции определения бедности, благосостояние населения.